

Каланов Б.З.,Тошкент Давлат Иқтисодиёт
университети «Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси доценти, иқтисод фанлари
номзоди

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ АМАЛ ҚИЛИШ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги муҳим муаммоси ҳисобланади. Иқтисодий тизим барқарорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни писанд қилмаслик иқтисодий ва ижтимоий номуносибликларнинг кучайишига, ишлаб чиқариш пасайишининг жадаллашишига, ишсизликнинг ошишига, инфляция ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Мазкур ҳодисалар мажмуи, ўз навбатида, давлат иқтисодий хавфсизлигининг камайишига ва йўқотилишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келади. Шунинг учун иқтисодий барқарорликни мунтазам таъминлаб бориш иқтисодиёт тараққиётининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлайди: «Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатла-

рининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта»¹. Шундан келиб чиқиб, 2015

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

йилда ЯИМ ҳажмининг 108% даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6%га кўпайиши белгиланмоқда.

Техник-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бирлиги ва ўзаро таъсири иқтисодий тизимни ҳосил қилади. Иқтисодий тизимлар (economic systems) – бу маълум бир бутунлик, жамият иқтисодий таркибини ҳосил қиладиган ўзаро боғлиқ иқтисодий унсурлар мажмуи; иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш юзасидан вужудга келган муносабатлар бирлигидир.

Иқтисодий тизим ривожланиши ва амал қилишига табиий-иқлим (ер юзида жойлашган жойи, сув билан таъминланганлик, ернинг унумдорлик даражаси), ижтимоий-маданий (инсоннинг маънавий-онгли ҳаёт фаолияти) ва ишлаб чиқариш-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш-иқтисодий омиллар (меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари, ишлаб чиқариш технологияси, ишловчи инсоннинг аҳволи, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, мулкчилик тавсифи ва шакллари, самарадорлик даражаси ва ҳ.к.) иқтисодий тизим ҳолатини тавсифлашда белгиловчи омиллар ҳисобланади.

Иқтисодий тизим характерини белгиловчи турли-туман ишлаб чиқариш-иқтисодий омиллари орасида асосий омиллар, яъни мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш шакллари ажратилади. Мулкчилик – бу кишилар томонидан моддий неъматларнинг

(меҳнат воситалари ва буюмлари) уларнинг ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида ўзлаштиришнинг тарихан белгиланган шаклидир. Меҳнат воситалари ёки меҳнат буюмларининг маълум бир шахс томонидан ўзлаштирилиши бошқа ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнида биринчи шахс сифатида чиқмаган ҳолда улардан ишлаб чиқариш жараёнида (истеъмолда) фойдалана олмаслигини англатади. Мулкчилик муносабатлари меҳнат буюмини (воситаси) бир шахс мулкига ўтказиш (ўзлаштириш) ва бошқасидан бегонлаштириш имкониятини пасайтиради. Бегонлашиш маълум шахснинг меҳнат буюми (воситаси)дан ишлаб чиқариш, истеъмолда фойдаланиш имкониятини йўқотишини билдиради, бу ҳам икки шахс ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини, масалан, сотишни кўзда тутуди¹.

Шундай қилиб, мулкчиликнинг иқтисодий мазмуни – бу кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидир. Мулкчиликнинг иқтисодий мазмуни унинг амал қилиши орқали ёритилади: эгаллик қилиш, бошқариш ва назорат. Мулк субъектининг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти устидан назорат асосийси ҳисобланади. Кишилар, корхона ва давлат мулкчилик субъектлари бўлиши мумкин. Иқтисодий ресурслар ва тайёр маҳсулот мулк объектлари ҳисобланади. Мулкчилик иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунлар бирлиги ҳисобланади. Реал ҳаётда улар узвий боғлиқдир. Жамиятдаги кишилар

¹ Гукасьян Г.М., Маховикова Г.А., Амосова В.В. Экономическая теория. – СПб.: «Питер», 2003. –С. 480.

ўртасидаги муносабатлар қандайдир мувофиқлаштириш усулига эга. Кишиларни мувофиқлаштиришнинг икки хил усули мавжуд: тартибсиз ва иерархик. Тартибсизлик тартиби кишиларнинг мавжуд шароитларга уларни ўраб турган ахборотлар ёрдамида мослашишини билдиради. Кишиларнинг иерархик ҳаракатлари ҳукумат кўрсатмалари, қонунлари ва ҳ.к.ларга бўйсундирилган. Иқтисодий тизимларнинг тарихий таснифланиши замонавий, ўтмишдаги ва бугунги тизимларни ўз ичига олиши зарур. Индустрлаштиришгача, индустрлашган ва юқори даражада индустрлашган¹ иқтисодий тизимлар ажратилади (1-жадвал).

Иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлаш жараёни, бир томондан, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар умумий мазмуни билан узвий ва объектив боғлиқ бўлган барқарорлаштириш жараёни билан, бошқа томондан эса жаҳон иқтисодиётида кечаётган жараёнлар ва тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда объектив иқтисодий воқелик билан боғлиқ.

Маълумки, иқтисодий тизим барқарорлигини тадқиқ этишнинг асосий услубий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

1) иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлаш жараёни ва бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш жараёнининг бирлиги ва уларнинг объектив иқтисодий воқелик билан ўзаро алоқадорлиги тамойили;

¹ Фарб адабиётида «постиндустириал», яъни саннатлашдан кейинги давр тушунчаси қўлланилади (Бел, Кун, Тоффлер назариялари).

2) иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлашда мамлакат ягона молиявий-иқтисодий маконининг узвийлиги тамойили;

3) иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлаш асосий вазифаларини бажаришда турли бўғин манфаатлари ва мақсадларини келиштириш тамойили.

Экологик омилни ҳисобга олмаган ҳолда иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлашнинг мумкинмаслиги билан боғлиқ равишда, иқтисодий адабиётларда иқтисодий тамойиллар тадқиқотнинг ижтимоий-экологик йўналишини акс эттирадиган тамойиллар гуруҳи билан тўлдирилган:

1) ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида табиий ресурсларнинг чекланганлиги тўғрисидаги қоидаларнинг англаниши ва қабул қилиниши тамойили;

2) мазкур жараёнда иқтисодий ва экологик таркибий қисмларнинг ўзаро ўринбосувчанлигини кўзда тутадиган иқтисодий ривожланиш барқарорлиги асосларининг бир бутунлиги тамойили;

3) иқтисодий ривожланиш барқарорлигига ўтиш муаммоларининг тадқиқотига кўп омилли ёндашув тамойили;

4) иқтисодий ривожланиш барқарорлиги муаммоларининг тадқиқотига инсонпарварлик йўналтирилганлиги тамойили;

5) экотизимлар биологик унумдорлиги ва антропоген таъсирлар ҳажми мажбурий мувофиқлигини белгиладиган ишлаб чиқаришни экологиялаштириш тамойили;

6) инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг нафақат яқин, балки узоқлашган

1-жадвал. Иқтисодий тизимларнинг тарихан ривожланиши

Индустрлаштиришгача	Индустрлашган	Юқори даражада индустрлашган
Иқтисодиётнинг асосий соҳаси		
Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш соҳаси
Чекловчи омил		
Ер	Капитал	Ахборотлар
Хукмрон ижтимоий гуруҳ		
Ер эгалари	Капитал эгалари	Ахборот эгалари

оқибатларини ҳам ҳисобга олишга қаратилганлиги тамойили¹.

Иқтисодий тизим барқарорлигининг вужудга келиш жараёни ҳозирги босқичда глобаллашув жараёнлари билан тавсифланадиган жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва хусусиятлари, мунтазам ўзгариб бораётган шароитларининг таъсири билан мураккаблашмоқда. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнларининг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлашнинг мумкинмаслиги, тадқиқот ташқи иқтисодий жиҳатини акс эттирадиган иқтисодий тизим барқарорлиги тамойилларини ажратиш зарурлигини белгилади.

1. Иқтисодий тизим барқарорлиги ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёнлари тадқиқотининг бирлиги тамойили, яъни иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлаш жараёни унинг ва глобаллашув жараёнлари мазмунининг бирхиллигини англаш нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши ва амалга оширилиши зарур.

2. Жаҳон иқтисодиёти барча даражаларининг (мега-, макро-, мезо-, микро-даражалар) ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро белгиланганлиги тамойили.

3. Иқтисодий тизим барқарорлигини таъминлашда ички ва ташқи иқтисодий маконнинг тенг қимматлилиги тамойили. Тадқиқот ташқи иқтисодий жиҳатини акс эттирадиган иқтисодий тизим барқарорлиги тамойилларини ажратиш иқтисодий тизим барқарорлиги омилларини ички (табиий, молиявий, ишлаб чиқариш шароитлари, иқтисодий-географик аҳвол, рақобатбардошлилик, инвестицион, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий, ички муҳитнинг сиёсий шароитлари) ва ички (иқтисодиётнинг очиқлиги даражаси, мамлакатнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперацияси, халқаро капитал ҳаракати, халқаро ишчи кучи миграцияси, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва роли, мамлакатнинг жаҳон интеграция жараёнларидаги иштироки) омилларини гуруҳлаш имконини берди. Иқтисодий тизим барқарорлигининг ички омиллари макро- ва мезодаражалардаги иқтисодий тизимлар амал қилишининг барқарорлигини таъминлаши, ташқилари эса барқарорлик ички шароитларини таъминлаган ҳолда иқтисодий тизимларнинг макро- ва мезодаражалардаги иқтисодий тизимларнинг жаҳон иқтисодий муносабатлари (мегадаража)га қўшилиши барқарорлигини шакллантириши билан

¹ Нуреев Р.М. Курс микроэкономики: учебник для вузов. – М.: «НОРМА-ИНФРА-М», 2001. –С. 572.

боғлиқ равишда ички ва ташқи иқтисодий тизимларнинг узвий боғлиқлиги аниқланди.

Аҳоли фаровонлигининг барқарор юқори даражаси ва ташқи иқтисодий алоқалар таъсирининг кучайиши шароитида табиий-ресурс салоҳиятининг сақланишини таъминлайдиган иқтисодий тизим унинг истиқболи ва келажак аҳволини ҳисобга олишда барқарорликнинг юқори даражасига эга бўлган ҳисобланади. Иқтисодий тизимнинг амал қилиши қўйидаги муҳим иқтисодий вазифаларни бажаришга қаратилган:

- 1) иқтисодиётнинг ишлаш лаёқатини шакллантириш ва таъминлаш;
- 2) иқтисодий фаолиятнинг барча турларини мувофиқлаштириш;
- 3) ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқариш.

Эҳтиёжларни қондириш учун ресурслардан фойдаланиш индивидлар (уй хўжаликлари), фирмалар ва бутун жамият ўз иқтисодий фаолиятида кўзлаётган иқтисодий мақсадларига бўйсундирилган. Ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолият мақсадларини танлашдаги рационал феъл-атворидан келиб чиқади. Реал воқеликда бу кам харажатлар сарфлаб, кўпроқ натижаларга интилишни билдиради. Истеъморнинг иқтисодий мақсади барча эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш, яъни фойдалилик функциясини максималлаштириш ҳисобланади. Фойдалиликни максималлаштириш нафақат жорий истеъмолга, балки нархлар динамикасига мувофиқ амалга ошириладиган жамғармаларга ҳам боғлиқ бўлади. Кўпроқ фойда ёки

камроқ ишлаб чиқариш харажатлари фирманинг иқтисодий мақсади бўлиб чиқади. Бунинг учун нафақат нархлардан, балки реклама, дизайн, товармоддий захираларнинг ўзгариши ва ҳ.к. лардан фойдаланилади.

Иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тўлиқ бандлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳозирги замон жамиятининг асосий иқтисодий мақсадлари ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради, халқ фаровонлигини оширишнинг умумий шарт-шароити ҳисобланади. Бироқ бундай шарт-шароитга фақат барча ресурслардан самарали (оптимал) фойдаланилгандагина эришилади. Бундай ўсишга атроф-муҳитнинг емирилиши ҳисобига эмас, балки эски ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва янгиларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш ҳисобига эришилади. Улар орасида аҳоли муҳимроғи ҳисобланади. Бу ерда, бир томондан, демографик оптимумни сақлаш, бошқа томондан эса тўлиқ бандликни таъминлаш зарур. Нархларнинг нисбатан барқарорлигини сақлаш ҳам жамиятнинг долзарб мақсади сифатида чиқади. Уларнинг жадал ўсиши ишлаб чиқариш нисбатларини бузади, аҳоли аҳволини ёмонлаштиради. Бу мақсадлар турли иқтисодий тизимларда турлича амалга оширилади. Яна бошқача айтиш мумкинки, иқтисодий сиёсат – бу давлатнинг неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмор қилиш соҳасидаги мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлари тизимидир. У жамият, унинг барча ижтимоий гуруҳлари

индексларини акс эттиради ва миллий иқтисодиётни мустақкамлашга қаратилган. Иқтисодий сиёсат асосида давлатнинг иқтисодий стратегияси, яъни ўзининг иқтисодий мақсадларига эришиш учун иқтисодиётни бошқариш санъати ётади. Шу билан бир вақтда иқтисодий сиёсат иқтисодиётдан бирламчи бўла олмайди, чунки сиёсий томондан тўғри ёндашмасдан туриб, иқтисодиёт ҳалокатга маҳкум бўлади. Иқтисодий сиёсат макро- ва микро-даражаларда иқтисодий мақсадларни бажариш вариантларини топиш билан шуғулланади. Давлат иқтисодий сиёсатининг (мақсадга эришиш) макродаражадаги мазмуни:

- аҳолининг тўлиқ бандлигига (ишсизликка қарши курашишга) интилиш;
- нархлар барқарорлигини (инфляция билан курашишни) таъминлаш;
- иқтисодий ўсиш ва тўлов баланси мувозанатига (экспорт-импортда ижобий салдога) эришиш;
- оқилона фискал сиёсат олиб бориш (солиқ ставкалари ва давлат харajatларини мувофиқлаштириш);
- оптимал кредит-пул сиёсатини (пул массаси ва фоиз ставкалари устидан назоратни) таъминлаш;
- валюта курсини бошқариш.

Аниқроқ даражаларда уларга саноат, тадқиқотлар ва ишланмаларга, тадбиркорликни рағбатлантириш ва истеъмолчилар манфаатларини муҳофазалашга қаратилган чора-тадбирлар қўшилади. Микродаражадаги иқтисодий сиёсатнинг мазмуни чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Реал ҳаётда бу барча мақсадларга бир вақтда эришиш амалда мумкин

эмас. Шу сабабли ҳукумат ғоясига боғлиқ устувор йўналишларни ажратиш лозим. Масалан, АҚШда сўллар ғоясини қўллаб-қувватловчи ҳукумат давлат мулкани кенгайтириш ва давлатнинг иқтисодиётга кучайтирилган аралашувига ижобий қарайди. Ўнгллар ғоясини қўллаб-қувватловчи ҳукумат давлат мулканинг чекланиши ва давлатнинг иқтисодиётга энг кам аралашувига ижобий қарайди. Ўнг ва сўл йўналишдаги ҳукуматларнинг иқтисодий мақсадлари турлича экан, жамиятни ривожлантириш туб муаммолари бўйича қимматли мулоҳазалар уларда фарқланади. Мос равишда, иқтисодий тизимни ривожлантириш мақсадлари ҳам ривожланишнинг ҳар бир босқичида турлича бўлади. Инсон эҳтиёжларини қондириш, уни ривожлантириш унинг пировард мақсадини белгилайдиган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиий мўлжали ҳисобланади.

Анъанавий иқтисодий тизимда қуйидагилар ривожланиш мақсади ҳисобланади:

- 1) ибтидоий-жамоа тузумида оддий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш;
- 2) деҳқонлар ва ҳунармандларнинг майда товар ишлаб чиқариши: а) эҳтиёжларни қондириш; б) фойда олиш.

Режали иқтисодий тизимда қуйидагилар ривожланиш мақсади ҳисобланади:

- 1) демократик режали: а) режаларнинг бажарилиши (давлат корхоналари учун); б) режаларнинг тавсиявий бажарилиши (иқтисодиётнинг қолган иштирокчилари учун);

2) маъмурий-буйруқбозлик режали иқтисодиётида: а) барча фаолият соҳаларида (ва барча учун) режалар-

нинг бажарилиши; б) иқтисодий ресурсларга давлат мулкчилиги.

Ўтиш даври иқтисодий тизимида қуйидагилар ривожланиш мақсадлари ҳисобланади: 1) янги иқтисодий тизимга ўтиш; 2) маълум мулкчилик шакли.

Мисол учун, хўжалик юритиш бозор тизимининг ривожланиши иқтисодий мақсадларини кўриб чиқамиз. Хўжалик юритиш бозор тизимида мақсадлар қуйидагиларга олиб келади:

1) иқтисодий ўсиш. Бу мақсад моддий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, улар сифатининг яшиланиши, юқори турмуш даражасининг таъминланишини кўзда тутуди;

2) иқтисодий самарадорлик. Бу мақсад ишлаб чиқариш ресурслари чекланган шароитда кам харажатлар сарфлаб, кўпроқ натижалар (яхшироқ) олишни талаб қилади;

3) меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлиги. Бу мақсаднинг бажарилиши ишлашни хоҳлайдиган ва ишлай оладиган аҳолини уларнинг эҳтиёжлари ва малакасига мувофиқ, машғулот (иш жойи) билан таъминлаш имконини беради;

4) нархларнинг барқарор даражаси. Умумий нархлар даражасининг жиддий ўсиши ёки пасайиши, умуман, иқтисодиётни беқарорлаштиради, иқтисодий фаолиятга босим, ҳар хил турдаги мураккабликлар, қутулиш муҳим бўлган инфляция ва дефляцияни вужудга келтиради;

5) иқтисодий эркинлик. Тадбиркорлар, бозор иқтисодиёти хўжалик субъектлари ўзларининг иқтисодий фаолиятларида юқори эркинлик даражасига эга бўлишлари керак;

б) даромадларни адолатли тақсимлаш. Бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан рақобатчилик натижасида олинган даромадлар адолатли бўлади. Тенглаштирувчи тақсимлашга йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бир вақтда маданийлашган жамиятда бирорта ҳам фуқаро бошқалар ҳашаматда юрганда, ночорликда қолмасликлари керак;

7) иқтисодий таъминланганлик. Афсуски, жамиятда сурункали касаллар, меҳнатга, муомалага лаёқатсизлар, кексалар ва бошқа боқиманда кишилар мавжуд. Давлат бюджети ва турли ижтимоий ва хайрия фондлари ҳисобидан уларнинг меъёрида яшаш шароитларини таъминлаши лозим;

8) савдо баланси. Миллий иқтисодиёт ташқи савдоси экспорти ва импортининг оқилона нисбатини ҳамда халқаро молиявий битимлар балансини ушлаб туришни кўзда тутуди (2-жадвал).

Тизимли таҳлил қонунларига кўра, исталган тизимнинг барқарорлиги унда ўз-ўзини тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги билан белгиланади. Иқтисодий тизимларда бизнинг фикримизча, функционал иқтисодий тизимлар (ФИТ) шундай механизмлар бўлиши мумкин.

Функционал иқтисодий тизимлар деганда, ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини ташкил қиладиган, маълум берилган макроиқтисодий кўрсаткичлар, индикаторлар атрофида мувозанатни сақлашни таъминлайдиган ташкилотлар ва муассасалар мажмуи тушунилади. Функционал иқтисодий тизимлар мақсадга йўналтирилган тизимлардан (банк, солиқ, суғурта тизими ва б.), энг аввало, шуниси би-

2-жадвал. Бозор иқтисодиётининг иқтисодий мақсадлари

Иқтисодий мақсадлар	Иқтисодий тизимлар ҳаётий муҳим иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаради
1. Иқтисодий ўсиш	Юқори турмуш даражасини таъминлаш.
2. Тўлиқ бандлик	Меҳнатга лаёқатли ва ишлашни хоҳловчилар учун иш.
3. Иқтисодий самарадорлик	Ресурслар чекланган шароитда энг кам харажатлардан энг кўп қайтимга эришиш.
4. Нархларнинг барқарор даражаси	Инфляция ва дефляция суръатлари устидан самарали назорат.
5. Даромадларнинг адолатли тақсимланиши	Жамиятнинг даромадлар даражаси бўйича кескин табақалашувига йўл қўймаслик.
6. Иқтисодий таъминланганлик	Меҳнатга лаёқатсиз аҳоли учун ижтимоий кафолатларнинг қўлланилиши.
7. Иқтисодий эркинлик	Иқтисодий субъектларнинг мустақиллиги.
8. Савдо баланси	Ташқи савдо-молиявий муносабатларнинг барқарорлиги, экспортнинг импортдан ошиб кетиши.

лан фарқланадики, у ўз-ўзини тартибга соладиган тузилмани ўзида мужассамлаштириб, уларда берилган барқарорлик кўрсаткичларидан ҳар қандай оғиш йўқотилган мувозанатнинг тикланишини таъминлайдиган кўп сонли механизмларнинг дарҳол ҳаракатлантирилишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Маълум берилган даражаларда ушлаб туриш зарур бўлган ва улардан барқарор ва мувозанатлашган иқтисодий ўсиш «ускуналар йўлагини» шакллантириш мумкин бўлган барқарорлик (мувозанат) асосий макроиқтисодий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ЯИМ нинг ўсиш суръатлари; пул массасининг ўсиш суръатлари; давлат бюджети тақчиллиги кўлами; давлат қарзлари ҳажми; миллий валюта курсининг тебраниш чегаралари; олтин-валюта захиралари ҳажми; ташқи қарзларга хиз-

мат кўрсатиш бўйича тўловлар ҳажми; ЯИМ да жамғармалар даражаси; миллий бозорнинг алоҳида сегментларида хорижий товарлар салмоғи; ишсизлик даражаси; Жини индекси (аҳоли турли қатламлари пул даромадларини тақсимлашда тенгсизлик даражаси); камбағаллик даражаси индекси; экологик барқарорлик индекси. Кўпчилиги миқдорий ўлчамларга эга бўлган кўрсаткичларнинг миқдорини уч тоифага ажратиш мумкин:

- оптимал;
- бўсағавий;
- критик.

Хусусан, иқтисодиётнинг нисбатан юқори ўсиш суръатларига фақат йиллик инфляция даражаси 5% дан ошмайдиган шароитдагина эришиш мумкин – бу кўрсаткичнинг оптимал миқдоридир.

Йиллик инфляция даражаси 40% бўлганда, иқтисодий ўсиш барҳам то-

пади – бу кўрсаткичнинг бўсағавий миқдори.

Йиллик инфляция даражаси 100% дан ошиб кетганда, саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши ва ЯИМ қийматининг камайиши бошланади – бу кўрсаткичнинг критик миқдори.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов: «... ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташқи бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас»¹, деб таъкидлайдилар. Айти пайтда республикамизда 2015 йилда инфляция даражаси 5,5–6,5% ни ташкил этиши кутилмоқда.

Даромадларни тақсимлашда тенгсизлик даражасини миқдорий баҳолаш имконини берадиган статистик кўрсаткич – Жини индекси – даромадлар концентрациялашув коэффициенти ҳисобланади. Уни бир текис тақсимлаш вазиятида ҳар бир гуруҳ ўз сонига мутаносиб даромад олади ва бундай вазиятда Жини коэффициенти нолга тенг бўлади. Мутлақ тенгсиз-

лик шароитида мазкур кўрсаткич 1 га тенг бўлади. БМТ услубияти бўйича даромадлар табақалашувининг критик чегараси Жини индекси бўйича 0,410–0,420 ни ташкил қилади. Мос равишда, бўсағавий кўрсаткич 0,350–0,370, оптимали эса 0,250–0,260 бўлади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ошиб бораётганлигидан даллат беради.

Иқтисодий тизим хавфсизлигининг бир неча даражалари мавжуд. Тизим хавфсизлигининг биринчи даражаси динамик мувозанат ҳолатининг фундаментал асоси ҳисобланиб, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг йиғиндисиди ЯИМ ўсишининг потенциал барқарор суръатларини таъминлайдиган ички ва ташқи омилларини қўшишнинг математик натижаси сифатида моделлаштирилади.

Иқтисодий ривожланиш хавфсизлиги ва барқарорлигининг иккинчи даражаси назарияда интенсивлиги бўйича бир хил бўлмаган инвестицион капитал оқимлари потенциалларининг мавжуд фарқи ҳисобига талаб ва таклифнинг турли даражаларини табиий тенглаштириш оқибатида юзага келадиган бақарорликнинг энергометрик ҳолати сифатида кучлар мувозанати ҳисобланади. Макроиқтисодиётда потенциал барқарор энергометрик ҳолат термодинамикадаги жисмоний мувозанат анъанавий тенгламаларига ўхшаш моделлаштирилади.

Барқарорликнинг учинчи даражаси бозор тизими ривожланишининг юқори даражаларида рақобат муҳи-

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

тини олдиндан белгиланган ҳолда ўрнатадиган ва жамият хавфсизлиги ва барқарорлигининг юқориноқ даражасини таъминлайдиган ахборот тартиби нуқтаи назаридан ўрганилади. Ахборот салоҳиятининг вужудга келиши тизим ички барқарорлиги тартибланишини кучайтиради ва унинг нохуш шароитларга мослашиш лаёқатини оширади, бунинг зарурлиги ташқаридан ошиб бораётган беқарорлик билан боғлиқ равишда вужудга келади¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, иқтисодий тизим, унинг мазмуни ва ривожланиш мақсадларини ўрганиш зарур. Чунки иқтисодиёт, давлат ва жамият тараққиёти шунга асосланади. Жамият иқтисодий ҳаётини маълум иқтисодий тизим доирасида тадқиқ этиш лозим.

Адабиётлар:

1. Бобылев С.Н., Гирусов Э.В., Перелет Р.А. Экономика устойчивого развития: учебное пособие. / – М.: Изд-во «Ступени», 2004. –С. 303.
2. Лукасьян Г.М., Маховикова Г.А., Амосова В.В. Экономическая теория. – СПб.: «Питер», 2003. –С. 480.
3. Макарова Е.В. Специфика устойчивости экономической системы региона. // Материалы III международной научно-практической конференции «Проблемы социально-экономической устойчивости региона». – Пенза: РИО ПГСХА, 2006.
4. Мау В. Экономическая политика в 2004 году: поиск модели консолидации роста. // «Вопросы экономики», 2005, № 1. –С. 55–63.
5. Миркин Б.М., Наумова Л.Г. Устойчивое развитие. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2009. –С. 148.
6. Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. – М.: «НОРМА-ИНФРА-М», 2001. –С. 572.

¹ Макарова Е.В. Специфика устойчивости экономической системы региона. // Материалы III международной научно-практической конференции «Проблемы социально-экономической устойчивости региона». – Пенза: РИО ПГСХА, 2006.